

10. Melnychenko S., Volosovych S., Baraniuk Y. Dominant ideas of financial technologies in digital banking //Baltic journal of Economic studies. – 2020. – T. 6. – №. 1. – C. 92-99.
11. Меликов О.М. Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш ўйлари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №4, июл-август, 2021. – 12-б.
12. Гулямова А.Л. Банк тизимининг рақамли трансформацияси жараёнида рақамли экотизим. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №2, апрель, 2021. – 5-б.
13. Five fintech trends for 2017. Bluenotes. [Электронный ресурс]. URL: <https://bluenotes.anz.com/posts/2017/02/five-fintech-trends-for-2017>.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор ўйналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармони. <https://lex.uz/docs/4751561>
15. Гильманов Д.В., Боркова Е.А. Исторические параллели и перспективы развития на мировом рынке // Экономические отношения. – 2019. – № 1. – doi: 10.18334/ео.9.1.39973.
16. Плотников В.А., Ускова К.Л. Экономическая безопасность России и развитие евразийской интеграции. //Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии. – 2018. – № 1(35). – с. 5-10.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11

Назарова Муслима Назаровна -
ТДИУ "Молия ва бухгалтерия ҳисоби"
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада нобанк кредит ташкилотлари ҳақида тушунчалар, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда республикамизда фаолият юритаётган микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг маълумотлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: нобанк, кредит, микрокредит, қарз, ломбард, микрокредит ташкилоти, банк, хизматлар, микромолиялаш, қонун, меёбърий ҳужжатлар

ПРАВОВАЯ ОСНОВА НЕБАНКОВСКИХ КРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Назарова Муслима Назаровна -
старший преподаватель кафедры
"Финансы и бухгалтерский учет"

Аннотация. В данной статье анализируются понятия небанковских кредитных организаций, их правовая база, а также информация о микрокредитных организациях и ломбардах, действующих в республике Узбекистан.

Ключевые слова: внебанк, кредит, микрокредит, ссуда, ломбард, микрокредитная организация, банк, услуги, микрофинансирование, закон, нормативные документы

LEGAL FRAMEWORK FOR NON-BANK CREDIT ORGANIZATIONS AND THEIR ACTIVITIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Nazarova Muslima Nazarovna -
TSUE "Finance and Accounting"
Senior Lecturer of the Department

Annotation. This article analyzes the concepts of non-bank credit organizations, their legal framework, as well as information on microcredit organizations and pawnshops operating in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: off-bank, credit, microcredit, loan, lombard, microcredit organization, bank, services, microfinance, law, regulations

Кириш. Ўзбекистон Республикасида банклар билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотлари ҳам микромолиявий хизматлар қўрсашиб келмоқда. Аҳолини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куvvatлашда нобанк кредит ташкилотларининг аҳамияти катта.

Айни пайтда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган сиёsat банкомия секторини ислоҳ қилиш орқали кредит ташкилотларининг молиявий оммаболлигини оширишга қаратилган. Бу борада тижорат банк-

лари билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш масаласи Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан ҳам ўрин олган.

Тижорат банклари доим ҳам кичик ҳажмдаги кредитлар, микроқарзлар ёки қисқа муддатли кредитлар беришга қизиқиш билдиравермайди. Шундай экан бундай ҳолатларга албатта нобанк кредит ташкилотлари ўз хизматларини beminnat кўрсатади. Айниқса, бугунги кунда кредитга бўлган эҳтиёж ортиб бораётган бир даврда микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ўзларининг оммабоп хизматларини сифатли кўрсатиши айни муддаодир.

Микрокредит ташкилотлари микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади.[3] Микрокредит ташкилотлари нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш балки, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим бўлган қатламига ҳам ўзининг молиявий хизматларини кўрсатиб фаолият олиб бормоқда.

Ломбардлар ҳам тез ва қисқа муддатга бериладиган кредитлари ҳамда расмийлаштиришдаги қулийларни билан иқтисодиётимизда ўз ўрнига эга. Бугунги кунда ломбардлар сони ошиб бориши ҳам улар фаолиятини олиб бориш зарурлигидан далолат беради.

Республикамида микромолиявий хизматлар кўрсатиши янада яхшилаш албатта нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигидан келиб чиқади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Нобанк кредит ташкилотлари бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўзларининг илмий тадқиқотларида, дарслик, ўқув қўлланма, ҳамда турли хил ҳалқаро конференцияларда фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан нобанк кредит ташкилотларининг мамлакат иқтисодиётидаги тутган ўрни ва уларнинг банклардан фарқи, нобанк кредит ташкилотларининг аҳоли даромадларини оширишдаги аҳамияти бўйича кўрсатиб ўтишган.

Тарихда 1844 йилда Англияning Рочдейл шаҳрида тўқимачлик корхонаси ишчилари томонидан ташкил қилинган. XIX асрнинг 60 йилларида кредит уюшмалари ташкил этиши ғоялари Германия ва Австриялик Фридрих Райффайзен ва Герман Шултсе – Делич томонидан илгари сурилди. Шу даврда кредит уюшмалари фаолияти ривожланди ва молиявий муассасалар сифатида мамлакат молия тизимига кириб келди. Бу ҳақда А.Омонов, Т.Қоралиевнинг “Пул ва банклар” номли дарслигида келтириб ўтишган[5]. Ушбу адабиётда нобанк кредит ташкилотларининг тарихи билан биргаликда улар-

нинг ишлаш тартиблари, ҳукуқий жиҳатлари ҳам батафсил очиб берилган.

Россиялик иқтисодчи олим Е.Ф.Жуковнинг “Банклар ва нобанк кредит ташкилотлари, уларнинг операциялари” номли дарслигида нобанк кредит институтларининг Россия ва бирқанча хорижий давлатлардаги фаолияти кўриб чиқилган бўлиб, унда асосан Россия давлатининг нобанк кредит ташкилотларининг кенг доираадаги актив ва пассив операцияларининг бошқариш механизмлари ҳамда кўрсатилаётган бошқа турли хил молиявий хизматлар ҳақида маълумотлар кўрсатилган[6].

Профессор Т.Каралиевнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида “Банк иши” дарслигида таъкидланишича, молия-кредит ташкилотлари сифатида инвестицион компаниялар ёки трестлар, молиявий (холдинг) компаниялар, суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари, жамғарма кассалари, ломбардлар, кредит кооперациялари (уюшмалари), ипотека компаниялари, факторинг компаниялари, траст компаниялари, маълумотларни қайта ишлаш компаниялари, лизинг компаниялари, микрокредит ташкилотлари, омонат, ссуда бериш билан шуғулланувчи ассоцациялар кабиларни фаолияти ҳамда республикамида фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотларидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг ҳукуқий жиҳатлари, фаолият олиб бориш учун керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари, уларнинг ишлаш тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.[7]

Иқтисодчи олимларимиз Россия иқтисодчи олимлар, билан биргаликда илмий изланишлар олиб бориб, Ўзбекистон ва Россия давлатлари ва бошқа турли хорижий далатларнинг банк тизими, уларнинг ликвидилиги, банк хизматлари, операциялари, кредит ташкилотларининг фаолияти ҳамда уларнинг назарий-амалий жиҳатларини ёритиб берувчи дарслик яратилди[8] О.И.Лаврушин таҳрири асосида Н.И.Валенцева, У.У.Азизов, Т.М.Каралиев, Э.Т.Кадиров билан яратилган “Банк иши” дарслиги ўзбек-rossиянинг жуда бой материаллари асосида Basel келишувлари талабларига асосланган маълумотлар кўриб чиқилган.

Россиялик иқтисодчи олимлардан М.С.Марамығина ва Е. Н. Прокофьевойлар авторлигида “Пул, кредит, банклар” номли дарслигининг З-бобида нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида келтириб ўтилган бўлиб, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда тўхталган. Асосан нобанк кредит ташкилотлари банк қонунчилигига назорат қилиниши ва молиялаштириш соҳасида микрокредит ташкилотлари, ломбардларнинг аҳолига хизмат кўрсатишдаги фаолиятига эътибор қаратилган[9]. Яна

rossиялик олимлардан А. Е.Дворецкаянинг “Пул, кредит, банк” дарслигининг учинчи бўлими 15-бобида нобанк кредит ташкилотларининг молиявий жиҳатлари ва уларнинг фаолияти ёритилган[10].

Рахманов Илхом Хуррамович “Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари” номли мавзуда ёзилган номзодлик диссертациясида микромолиявий хизматлар ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳамда нобанк кредит ташкилотларининг банклар қатори фаол микромолиялашдаги роли ҳақида илмий фикрлар билдирган [11].

АЗЛАРОВА АЗИЗА АХРОРОВНА Ўзбекистонда банк хизматлари сифатини яхшилаш бўйича фикрлар билдириб, хизматлар сифатини янада такомиллаштириш борасида илмий қарашларни ёритиб берган. Унга кўра банк хизматларини яхшилаш учун баҳолаш тизими йўлга қўйилиши таклифи билдирилган[12].

Юрист ахборотномаси номли ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журналда Мадумаров Талантбек Толибжоновичнинг “Микрокредит ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш асослари ва тартиби” номли мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда муаллиф томонидан микрокредит ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш, уларнинг тартиблари ҳақида илмий қарашлар изоҳланиб, юридик шахсларни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган усулларда унинг фаолиятини бекор қилиш ва универсал ҳуқуқий ворислик асосида унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа юридик шахсга ўтиши тўғрисида батағсил фикрлар билдирилган[13].

Тадқиқот методологияси. Нобанк кредит ташкилотлари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, микрокредит ташкилотлари ва ломбардалар фаолиятини солишиши, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш ва аҳолининг асосий молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий оммабоплик соҳасидаги илфор ҳалқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда таркибида молиявий хизматлар оммабоплигини кенгайтишини, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик дараҷасини оширишни, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутивчи молиявий оммабопликни ошириш-

нинг миллий стратегиясини ишлаб чиқишига Жаҳон банкининг техник кўмаги жалб этилган бўлиб, микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида бирқанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шулар жумласидан, микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сонли “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилиниши буғунги кунда нобанк кредит ташкилотларини фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган. Бу қарорга мувофиқ, нобанк кредит ташкилотлари кўрсатадиган хизматлар доираси кенгайтирилди ва микромолиявий хизматлар ҳажми оширилди[4].

Республикамизда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини кўриб чиқадиган бўлсак, буғунги кунда микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар фаол равишда ишлаб келмоқда. Уларнинг сони буғунги кунга келиб, 146 тани ташкил этмоқда.

Нобанк кредит ташкилотлари микромолиялаш соҳасида аҳолини кредитга талабини қондиришда фаоллик билан ўз фаолиятини янада такомиллаштирмоқда.

Буғунги кунда микромолиялаштириш соҳасини ривожлантиришда ҳалқаро тажриба кўрсатмоқдаки, аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги кўтарилган сари микромолиявий хизматларга эҳтиёж ҳам ортиб боради. Алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай эҳтиёжни таъминлашга йирик тижорат банклари ҳар доим ҳам ижобий жавоб беравермайди.

Банкларнинг кредитлашдаги устун мавқеяига қарамай, улар аҳолининг якка тартибдаги тадбиркорлик нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини камбағаллиқдан чиқиши учун тадбиркорликка кўл ураётган аҳоли қатламларини тўлиқ қамраб олмайди.

Иқтисодиётда микромолиялаштириш воситаларидан кенг фойдаланиш учун нобанк кредит ташкилотларига банкларнинг айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини бериш, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи нормаларни тизимлаштириш ва бирхиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек, тижорат банкларини микромолиялаштириш жараёнларига жалб қилиш бўйича кўрилаётган чораларга қарамай, республикада микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини сезиларли даражада кенгайтиришда

бир қанча муаммо ва тўсиқлар мавжуд.

Хозирги кунда микрокредит ташкилотлари фаолияти “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Марказий банкнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади[14].

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, қарз олувлар ва кредиторларнинг маңбаатлари ҳимоя қилиншини таъминлаш, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифаларини амалга ошириш учун текширувлар ўтказади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги 355-II-сонли “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонуни республикамизда кредит уюшмалари фаолият олиб бормаётгандиги ва уларнинг фаолияти бутунлай тўхтатилганлиги боис 2013 йил 4 январдан ўз кучини йўқотган.

Демак, микромолиялаштириш қонунчилигини такомиллаштириш, соҳанинг энг самарали ва замонавий амалиётларини жорий этиш талаб этилади. Бу борада, айниқса, масофадан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, хизматлар тақдим этиш жараёнини соддалаштириш, аҳолида қарз ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, молиявий оммабопликни оширишда исломий молия тамойилларини жорий қилиб бориш нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантиришнинг энг долзарб вазифалари сифатида қаралиши лозим.

Жумладан, нобанк кредит ташкилотлари ташкил этилиши ва ривожланишини таъминлаш учун лицензиялаш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, таваккалчилик соҳаларини уларнинг имкониятларини мутаносиб равишда ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш механизmlарини жорий этиш муҳимдир. Айниқса, нобанк кредит ташкилотларининг тегишли инфратузилмалардан фойдаланишдаги имкониятларини тижорат банкларига тенглаштириш ва бу борада тенг шароитларни яратишга қаратилган қулай норматив-хуқуқий базани шакллантириш лозим. Бу эса нобанк молия хизматларига оид маҳсулот таклифлари, шакл ва турларини, шу жумладан, исломий молия хизматларини жорий этишнинг самарали ечимларни топишга шароит яратади. Мазкур вазифалар ижроси нафақат микромолиявий хизматлар қамрови ва сифатини ошириш, шунингдек, иқтисодиётнинг кредитлар бозорини ривожлантириш, аҳоли кўлидаги бўш пул маблағларини ушбу бозорга жалб этиш масалаларида маълум даражада тижорат банкларига нисбатан рақобатни юзага келтиради, деган умиддамиз.

Айнан рақобат банк молия соҳасида ривожланиши ортда қолаётган (аниқроқ айтганда, етишмай турган) жараёнлигини тан олган ҳолда айтиш керакки, нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш ривожланиши банкмолия соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришнинг “катализатор”и сифатида хизмат қиласа ажаб эмас.

Нобанк кредит ташкилотларининг ташкилий-хуқуқий асослари, улар томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларнинг рухсат бериладиган турларини аниқлаш, микромолиявий хизматлар кўрсатиш ва уларнинг истеъмолчилари хуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун 2021 йил 28 декабрда ҚЛ-812-сонли “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини кўриб чиқиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди[15].

Олий Мажлис Сенатининг 24-ялпи мажлисида эса Ўзбекистон Республикаси “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуни кўриб чиқилди ва бу қонуннинг лойиҳаси 2022 йил 17 марта куни тасдиқланди. Мазкур қонун “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент фармони ҳамда “Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Жорий йил 20 апрелда ЎРҚ-765-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонун имзоланди. Мазкур қонундаги:

- нобанк кредит ташкилотларининг ўз фаолиятини молиялаштириш имкониятини кенгайтириш;

- молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, жумладан, микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш учун хуқуқий асос яратиш;

- “тартибга солиш қумдони” доирасида молиявий хизматларнинг янги турларини синовдан ўтказиш имкониятини яратиш;

- мутаносиб тарзда тартибга солиш натижасида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ортиқча тартибга солишнинг олдини олиш;

- нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган нормалар белгиланган[2].

Қонун билан банкларнинг айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш хуқуқига эга микрокредит ташкилотлари, лом-

бардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи нормалар тизимлаштирилмоқда. Марказий банк ислом молияси концепциясини ўз ичига олган нобанк кредит ташкилотлари түғрисидаги қонунни қабул қилишни ҳам режалаштирган эди. Унга кўра, нобанк ташкилотларга кўпроқ хизматлар кўрсатиш хукуқи берилади.

Қонун билан ломбардлар томонидан Марказий банкка фаолиятни бошлаганлик түғрисида хабарнома юборилишининг тартиби, шунингдек микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказишнинг ягона тартиби назарда тутилган. Бунда лицензиялаш ўрнига ҳисоб рўйхатидан ўтиш жорий қилинмоқда, ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати, уларни қўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш тартиби белгиланган. Шу билан бирга, нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича қоидалар, шу жумладан улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар түғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш, шартнома шартларини бир томонлама тартибда ўзгартирмаслик, шунингдек, нобанк кредит ташкилотларининг қарз олувчилари ва кредиторларининг молиявий операциялари бўйича ахборотнинг махфийлигини кафолатлаш каби мажбуриятлар ҳам белгиланган.

Қонун қабул қилиниши натижасида микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турларининг кенгайтирилиши, кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларга, шу жумладан исломий молиялаштиришга оид хизматларга талаби қондирилишига эришилади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини улар-

нинг фаолияти таваккалчилигидан келиб чиқиб, мутаносиб равища тартибга солиш ва назорат қилиш механизми жорий этилади, шунингдек, Марказий банкнинг ушбу йўналишдаги функцияларини бажариш ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, қонунда кўзда тутилган қоидаларда нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг хукуқларини ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилмоқда. Ҳусусан, қонунчилик даражасида нобанк кредит ташкилотларининг улар кўрсатадиган хизматлар түғрисидаги маълумотларини, шартномалар шартларига бир томонлама ўзгартириш ёки қўшимчалар киритишни тақиқлаш түғрисидаги талабларни, шунингдек, истеъмолчиларнинг молиявий операциялари түғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятлари белгиланмоқда.

Умуман, ушбу қонуннинг қабул қилиниши республикамизда ягона молия тизимининг тўлдирувчиси сифатида нобанк кредит ташкилотлари ривожига хизмат қиласди.

Бугунги кунда республикада 72 микрокредит ташкилоти ва 74 ломбард фаолият юритмоқда. 2022 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, микрокредит ташкилотларининг активлари миқдори 1 385,5 млрд. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 907,1 млрд. сўмни ташкил этганди[14].

Ўзбекистонда фаолият юритаётган микрокредит ташкилотлари активлари түғрисида маълумотни қўриб чиқадиган бўлсак, даврлар солиширилганда уларнинг активлари ўзгаришлари анча ошганлигини кўришимиз мумкин. Буни қўйидаги жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин. Жадвалда 2021 йил 1 март ҳолати ўзгаришлари 2022 йил 1 март ҳолатига нисбатан ўзгаришлари таққосланган.

1-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган микрокредит ташкилотлари активлари түғрисида маълумот

Кўрсаткичлар номи	01.03.2021		01.03.2022		Ўзгариши, фоизда
	млн. сўм	улуши, фоизда	млн. сўм	улуши, фоизда	
Активлар					
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	7 430	0,8%	14 763	1,1%	98,7%
Банклардаги маблағлар	16 671	1,8%	23 428	1,7%	40,5%
Кредитлар ва микролизинг, (соф)	790 366	87,1%	1 236 736	89,3%	56,5%
Асосий воситалар, (соф)	26 518	2,9%	39 427	2,8%	48,7%
Ҳисобланган фоизлар	44 898	4,9%	41 067	3,0%	-8,5%
Бошқа активлар	21 253	2,3%	30 052	2,2%	41,4%
Жами активлар	907 136	100,0%	1 385 473	100,0%	52,7%

Манба: www.cbu.uz. Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, жами активлар ўзгариши 52,7 % ни ташкил этган. Шу ўринда таъкидлаб

йтиш лозимки, микрокредит ташкилотлари сони ҳам ўтган йилга нисбатан ўзгарган бўлиб, 2021 йил январь ҳолатида 63 тани ташкил эт-

ган. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу кўрсаткич 2022 йил март ҳолатида 72 тани ташкил этмоқда.

Дунёда нобанк кредит ташкилотининг умумэътироф этилган (универсал) таърифи мавжуд эмас. Ушбу масала давлатнинг молиявий тизимни тартибга солиш амалиётидан келиб чиқсан ҳолда ҳал этилади. Бунда бир қатор мамлакатларда фаолият давлатнинг маҳсус назорати остида бўлиши лозим бўлган молия ташкилотлари "нобанк кредит ташкилотлари" ёки "нобанк кредит-молия ташкилотлари" деб номланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда нобанк кредит ташкилотлари сифатида микрокредит ташкилотлари лицензия асосида ҳамда лом-

бардлар Марказий банкни хабардор этиш орқали фаолиятни амалга ошироқда.

Фикримизни давом эттирган ҳолда республикамида фаолият юритаётган ломбардларнинг айрим кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

Ломбардларнинг активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари кўрсатадики, активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган ломбардлар тақсимоти суммаси ва сони алоҳида кўрсаткичларда таҳлил қилинганда бу кўрсаткичларда активлар, капитал ҳамда мажбуриятлардаги ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Буни биз қуидаги жадвал маълумотларида кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган ломбардлар фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари (2022 йил 1 апрель ҳолатига)

Кўрсаткичлар	Жами		Активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган ломбардлар тақсимоти							
			500 млн. сўмгача		500 млн. сўмдан 1 млрд. сўмгача		1 млрд. сўмдан 2 млрд. сўмгача		2 млрд. сўм ва ундан юқори	
	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма
Активлар										
Активлар, жами	76	226,5	1	0,4	14	9,4	20	26,7	41	190,0
Кредитлар, соф	76	191,6	1	0,4	14	6,4	20	22,3	41	162,6
Капитал										
Капитал, жами	76	202,4	1	0,3	14	8,0	20	23,9	41	170,2
Устав капитали	76	70,6	1	0,5	14	7,3	20	14,3	41	48,5
Мажбуриятлар										
Мажбуриятлар, жами	76	24,1	1	0,1	14	1,4	20	2,8	41	19,7
Олинган кредитлар ва лизинг	76	5,8	1	0,0	14	0,0	20	0,9	41	5,0

Манба: www.cbu.uz. Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, ломбардлар фаолиятининг активлар миқдори бўйича кўрсаткичларида акс эттирилганидек, жами активлар суммаси 226,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, соф кредитлар эса, 191,6 млрд. сўмни ташкил этган. Мажбуриятлари 24,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, олинган кредитлар

ва лизинглар 5,8 млрд.сўмни ташкил этган.

Ломбардларнинг активлари миқдори 2022 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 226,5 млрд. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг 2022 йилнинг 1 март ҳолатига кўра 158,8 млрд.сўмни ташкил этганди[14].

3-жадвал

Активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган микрокредит ташкилотлари фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари (2022 йил 1 апрель ҳолатига)

Кўрсат-кичлар	Жами		Активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган микрокредит ташкилотлари тақсимоти							
			1 млрд. сўмгача		1 млрд. сўмдан 5 млрд. сўмгача		5 млрд. сўмдан 10 млрд. сумгача		10 млрд. сўм ва ундан юқори	
	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма
Активлар										
Активлар, жами	71	1 453,6	0	0,0	28	88,7	15	110,4	28	1 254,5
Кредитлар ва микро-лизинг	71	1 293,9	0	0,0	28	67,6	15	89,8	28	1 136,6
Капитал										
Капитал, жами	71	742,9	0	0,0	28	74,4	15	64,2	28	604,4
Устав капитали	71	391,8	0	0,0	28	65,7	15	43,0	28	283,1
Мажбуриятлар										
Мажбуриятлар, жами	71	710,7	0	0,0	28	14,3	15	46,2	28	650,1
Олинган кредитлар ва лизинг	71	424,9	0	0,0	28	2,9	15	24,6	28	397,3

Манба: www.cbu.uz. Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва маҳсус ваколатли давлат органининг ваколатли ходимлари, нобанк кредит ташкилотининг ички аудит хизмати ходимлари ва ташқи аудиторлар томонидан ўтказилган текширувlar жараёнида аниқланган ички назорат тизимини ташкил этилишини ва унинг фаолиятидаги хато ва камчиликларнинг бартараф этилишини мониторинг қилиб боради[1]. Чунки ҳар бир маълумотнинг шаффоғлиги, олиб борилган операцияларнинг қонунийлиги ва ҳисоб-китобларнинг реаллиги муҳим ҳисобланади.

Активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган микрокредит ташкилотлари фаолиятининг алоҳида кўрсаткичларини кўриб чиқсан ҳолда фикримизни давом эттирамиз. Қуйидаги жадвалда микрокредит ташкилотлари фаолиятининг 2022 йил 1 апрель ҳолатига бўлган маълумотлар акс эттирилган [14].

З-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, активлар, жами 1 453,6 млрд.сўмни ташкил этган. Жами капитал 742,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, кредитлар ва микролизинг активлар суммаси 1 293,9 млрд.сўмни ташкил этган.

Умуман, нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини янада яхшилаш ва бу орқали республикамизда микромoliavий хизматлар сифатини ошириш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилган ислоҳотларни амалга оширилиши келгусида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, нобанк кредит ташкилотларига таъқиқланадиган фаолиятларини назоратини олиб бориш ҳам улар фаолиятини қонуний ишлашига замин яратади. Ҳар қандай соҳа фаолиятида ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамлиги муҳим ҳисобланади ва бу албатта меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниш чора-тадбирларига боғлиқdir.

Холоса ва таклифлар. Умуман, нобанк кредит ташкилотларидан микрокредит ташкилотлар ҳамда ломбардлар фаолияти қониқарли ишламоқда. Шундай бўлса-да, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида бир қанча вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республикада фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари, хусусан, микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардалар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада такомиллаштирилиши нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ва фаолияти кўламини

кенгайтиришга мустаҳкам замин яратмоқда.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотлар ва қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига қарамай, ўзбошим-чалик билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз вожлар билан кўчмас мол-мулкка аралашув ҳолатлари сўнгги йилларда кўп кузатилмоқда. Бу эса кўплаб низоли ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий мулк дахлсизлигига, айрим мансабдор шахсларнинг асоссиз вожлар билан кўчмас мол-мулкка аралашув ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қиласи. Лойиҳаси тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромoliaлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни кучга кирди ва бу албатта бу муаммоларга ечим топилади.

Мамлакатимизда макроқўтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда салмоқли ўрин эгаллаб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини мунтазам равища тақомиллаштириб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Нобанк кредит ташкилотларининг қонунчилик асосида самарали фаолият олиб боришлари учун, уларнинг банклар билан ҳамкорликда ишлашлари бўйича мавжуд муаммолар етарлича ўрганилиб чиқиши лозим. Энг асосийси, бу ташкилотларнинг ҳаётийлигини, ўз маблағларини вақтида қайтариб олиш ва у бўйича даромад ишлаш ҳамда барқарор фаолият юритишини таъминлашдир. Бундай тузилмаларнинг яратилиши кўп сонли кичик ишлаб чиқаришларни кўллаб-куватлаш ва даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишга аҳоли кенг қатламини жалб қилишга олиб келади.

Холоса қилиб айтганда, нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича қонуларнинг тақомиллаштириш:

биринчидан, микромoliaлаш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи ягона ҳуқуқий базанинг шаклланиши;

иккинчидан, микромoliaвий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар маблағларидан фойдаланиш имконини таъминлаш;

учинчидан, аҳолининг кенг қатламларига микромoliaвий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган микромoliaвий ташкилотлар тузиш ва фаолиятини ривожлантириш;

тўртинчидан нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш тизимини тақомиллаштириш лозим, бу ерда уларнинг капитал базасини мустаҳкамлаш ва доимий ликвидли-

гини таъминлаш масалаларига эътибор кучайтирилиши лозим;

бешинчидан, микромолиялаш жараёнини тартибга солиш асосида нобанк кредит ташкилотлари ҳамда аҳоли ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга имконият яратади.

Умуман, нобанк кредит ташкилотларининг ҳуқуқий асослари яхши йўлга қўйилиши кутилган натижага эришиш имконини беради.

Қайд этганимиздек, Ўзбекистон Республикаси “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши албатта кутилган ижобий натижани беради, деган фикрдамиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ-582-сон “Марказий банк тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-765-сон “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-53-сон “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон “Микромолиявий хизматлар оммаболигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
5. Пул ва банклар: Дарслик / А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев. – Т.: Иқтисод-Молия, 2019. - 448 б.
6. Банки и небанковские кредитные организации и их операции. Учебник / Под.ред. Е.Ф.Жукова. – М.: Вузовский учебник, 2005. -491с.
7. Bank ishi. Darslik/ T.U.Azizov, T.Karaliev, T.Bobakulov, Sh.Abdullaeva, Z.Xolmaxmadov, O.Ortiqov, D.Saidov, U.Ortiqov, O.Sattarov, I.Qulliev, I.Raxmanov, A. Ismoilov. "IQTISOD-MOLIYA", 2015-у. 622 bet.
8. Банковское дело: Учебник, II часть / О.И.Лаврушин, Н.И.Валенцева, У.У.Азизов, Т.М.Каралиев, Э.Т.Кадиров [и др.] Под ред. О.И.Лаврушина. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019. - 704 с.
9. Деньги, кредит, банки : учебник / под общ. ред. М.С. Марамыгина, Е.Н. Прокофьевой. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 384 с.
10. Дворецкая, А. Е. Деньги, кредит, банки : учебник для вузов / А. Е. Дворецкая. — 2-е изд., перераб. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2020. — 472 с. — (Высшее образование). — ISBN 978-5-534-05109-4.
11. Рахманов Илхом Ҳуррамович Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни тақомиллаштириш ўйлари. Номзодлик диссертацияси. 2012 йил. D 005.25.01.
12. Азларова Азиза Ахроровна. “Ўзбекистонда банк хизматлари сифатини истеъмолчиларнинг психографик портретини шакллантириш асосида баҳолаш тизимини жорий қилиш ўйлари.Илмий мақола. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 2022 йил. январь-февраль
13. Юрист аҳборотномаси. Ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал. Т.Т. Мадумаров. “Микрокредит ташкилотларини қайта ташкил этиши ва тугатиш асослари ва тартиби”. Илмий мақола. ISSN 2181-9416. №1-сон. 15 марта 2021 йил.
14. www.cbu.uz. - Марказий банк расмий сайти.
15. www.regulation.gov.uz.- Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари мұхокамаси портали.